



Ishonch

Ишқият
Спорт туфайли соғлом авлодлар вужудга келади ва мамлакат шўхрати жумлаи жаҳонга таралади.
 Ислои КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



Ифтихор

Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатида Полшанинг Познан шаҳри мезбонлик қилди. Жаҳоннинг 71 давлатидан келган энг кучли спортчилар сафида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳам совринли ўринлар учун кураш олиб боришди.

Вадим Меньков — жаҳонда тенгсиз!

Яккаликлар ўртасида 1000 метрлик масофага каноэда эшкак эшиш бўйича бахсда амалдаги жаҳон чемпиони жаҳон кубоги соҳиби ҳамда жаҳоннинг ўтган йилги энг яхши каноэчиси — Вадим Меньков олтин медалга асосий даъвогар эканлигини исботлай билди.

Истеъдодли спортчимиз дастлабки саралаш мусобақасидан муваффақиятли ўтиб, ярим финалда бир километр масофани 4,3 дақиқада босиб ўтди ва финалда йўлланма олди.

21 августда бўлиб ўтган ҳал қилувчи беллашувда энг кучли саккиз нафар спортчи қатнашди. Унда касоба уюшма спортчиси, ҳамюртимиз Вадим Меньков ўзининг салоҳиятини яна бир бор намойиш этди.

У мусобақа регламентига кўра, биринчи кун 1000 метрлик бахсларда қатнашиб, бир километрлик масофани 3 дақиқа-ю 51 сонияда босиб ўтди. Асосий рақиблари — венгриялик Атила Вайда ҳамда германиялик Себастьян Бренделни орта қолдириб, маррага биринчи бўлиб етиб келди ва ўтган йили қўлга киритган унвонини сақлаб қолишга эришди. Музаффар спортчимиз шарафига Пошда мамлакатимиз мадҳиса янграб, юртимиз байроғи кўтарилди. Мусобақа-

нинг 500 метрлик беллашувларида эса белгиланган масофани 1 дақиқа-ю 48 сонияда босиб ўтиб, бронза медали эгасига айланди.

Спортчиларимизга яратиб берилган шароит жаҳон ареналарида совринли ўринларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда.

Кези келганда, 2009 йил 25 майда Вазирилар Маҳкамаси томонидан 2012 йили Лондонда бўлиб ўтадиган ёзги олимпиада ўйинларига юртимиз спорт терма жамоаларини босқичма-босқич тайёрлаб бориш бўйича ишлаб чиқилган режага алоҳида эътибор қаратилганлигини таъкидлаш лозим. Ушбу мақсад йўлида ўтган йили Ўзбекистон каноэ федерацияси томонидан халқаро мусобақаларга тайёргарлик кўриш учун Тошкент денгизда терма жамоанинг ўн иккита ўқув йиғини ташкил этилди. Тўртта ўқув йиғини машғулотли эса хорижда ўтказилди.

Ҳамюртимизнинг мазкур зафари Ўзбекистон Мустақиллигининг 19 йиллик байрамига муносиб соғва бўлди. Эслайтиб ўтамиз, мамлакатимиз спорт делегацияси эртага соат 05:00да Тошкентга қайтиб келади.

Нарзулла МАХАМОВ,
 «Ishonch» муҳбири

Жалқаро алоқа — тараққиёт омили

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси кенгаши жалқаро ҳамкорликни аъзо ташкилотлар билан биргаликда КУФК Ҳаракат дастурига мувофиқ амалга оширади. Халқаро фаолиятни такомиллаштириш, хорижий мамлакатлар касоба уюшма марказлари билан алоқаларни ривожлантириш, мустақиллик даврида эришилган ютуқлар тарғиботи асосий мақсадимиз ҳисобланади.

МДХ мамлакатлари, айниқса, Марказий Осиё республикалари, Россия Федерацияси, Озарбайжон, Украина ҳамда Осиё китъасидаги энг ривожланган Хитой, Япония, Жанубий Корея каби давлатлар касоба уюшма ташкилотлари билан ўрнатилган алоқалар соҳа ривожига туртки бўлмоқда. Мазкур давлат касоба уюшма марказлари билан турли соҳада тажриба алмашиш аъна-на тусини олди. Ўзбекистон касоба уюшмалари вакиллари муаммолари ўхшаш бўлган Ҳамдўстлик мамлакатлари касоба уюшма курултойларида, илмий конференция ва семинарларида иштирок этишмоқда. Жумладан, икки томонлама келишувларга асосан 40 га яқин КУФК фаоллари Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида малака ошириб қайтишди. 20 нафарга яқин фаолимиз эса Япония ва Жанубий Корея меҳнат жағмармалари ЖИЛАФ ва КОИ-ЛАФ ўқув дастурларида мазкур мамлакатлардаги меҳнат муносабатларини ўрганишда тахлил қилди.



Иқтисодиёти ривожланган Европа давлатлари касоба уюшма марказлари билан муносабатлар жалқаро касоба уюшмалари Конференциясининг (МКП) Шарқий

Европа ва Марказий Осиё минтақавий ваколатхонаси орқали амалга оширилади. Мазкур нуфузли ташкилот аввал Эркин касоба уюшмалари Конференцияси деб номланиб, 2007 йил ноябрдан Вена шаҳрида ўтказилган Таъсис конгрессида Умумжаҳон меҳнат конфедерацияси билан бирлашиши натижасида, янгича қиёфа касб этди. Бугун унинг таркибиде 156 та мамлакатнинг 306 та касоба уюшма ташкилоти мавжуд. Аъзолари сони 168 миллиондан ошмоқда. Фаолларимиз ушбу ташкилот томонидан Москва, Душанбе, Бишкек ва Боку шаҳарларида ўтказилган семинарларда фаол қатнашди. Шу билан бирга, Германия, Франция, Бельгия, Хорватия ва Россия Федерацияси вакиллари мамлакатимизга таъриф буюришди.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги аёллар комиссияси аъзолари юқоридаги икки ташкилот ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан уюштирилган «Аёлларни иш жойларида камситиш, ижтимоий тенглик ва ижтимоий мулоқот» мавзусига бағишланган лойиҳаларида қатнашиб, Монтенегро, София, Хорватия ва Брюссел шаҳарларида иштирок этишди.

Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро касоба уюшмалари Конференцияси минтақавий бўлими билан биргаликда «Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий шерикчилик», «Аёллар: меҳнат бозори ва бандлик», «Иқтисодиётнинг барча тармоқларида мувофиқ иш шариоитини яратиш муаммолари» каби семинар ва илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Халқаро семинарларнинг деярли барчасида Тошкентдаги Фридрих Эберт жағмармаси билан ҳамкорлик қилмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда)



«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «тинчлик» сўзига «қуроли тўқнашувлардан, урушлардан ҳоли, тинч ҳолат», деб нисбат берилади. «Осуда» сўзи эса «тинч, боташвиш, хотиржам», деган маъноларни англатиши таъкидланади. «Тинчлик» сўзи ўзбек халқи учун азалий қадрият ҳисобланган. «Ассалому алайкум» сўзи «Сизга тинчлик, саломатлик тилайман» деган маънони англатади ва ҳар бир ўзбек муносабати, фаолиятини айнан шу сўз билан бошлаши бежиз эмас. Салом қабул қилувчи «Ва алайкум ассалом» («Сизга ҳам тинчлик, саломатлик тилайман»), деб жавоб қайтаради. «Ассалому алайкум» танишу нотаниши берилаверади. Кичик ёшдагилар ёши улуғларга, улов минган пийдага, пийда ўтирганга, озчилик кўпчилиikka салом беради.

Тинч ва осуда ҳаёт орзуси

Мухтарам Президентимиз тинчлик учун кураш келажақ учун, халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиёти учун кураш эканлигини бот-бот таъкирлайди. «Афсуски, — дейди Юртимизимиз, — бизнинг онгимизга тинчликни таъминлаш — бу давлатнинг, чегарачи ёки милиция ходимларининг, хавфсизлик идораларининг иши, деган нотўғри тушуноча ўрнашиб қолган. Албатта, бу масалага авваламбор мана шу ташкилотлар жавобгар. Лекин, тинчлик, осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юрда яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак».

Ҳўш, нима учун биз ушбу масалага алоҳида эътибор қаратмоқдамиз? Гап шундаки, уч минг йиллик буюқ давлатчилик тарихи давомида Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудиде грек-македонлар, аҳмонийлар, араб, мўғул, Россия босқинчилари қанчадан-қанча талофат, қулфат келтирмади, ахир! Мамлакатимиз ҳудудининг ер ости ва ер усти бойликлари, бой табияти, меҳнатсевар халқи доимо мустамлакачилар нигоҳида бўлиб, уларнинг қўзини «ўйнатаиб» келган.

Ислои Каримовнинг мамлакатимиз раҳбари сифатидаги дастлабки жасорати миллат мустақиллиги учун ташланган дадил қадамлар эди. 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Олий Советининг XI сессиясида «Ўзбекистон ССР нинг давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши, шунингдек, 1990 йил 24 мартда XII қақриққ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида ўша пайтда республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи қотиби бўлган И.Каримовнинг Ўзбекистон ССР нинг биринчи Президенти этиб сайланиши мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди.

Ўзбекистонда тинчлик, хотиржамлик, осуда-осойишта ҳаётни таъминлаш, мустақилликни қўлга киритиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан яна бири «Мустақиллик Декларацияси» эди. Ушбу ҳужжат Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси (1990 йил 20 июн) да қабул қилинди. Унда «Ўзбекистон Социалистик Республикаси Олий Кенгаши ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топланган бой аънавалари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъ-

минлашдан иборат олий мақсад ҳаққи, Ўзбекистоннинг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилади», дейилади.

Дарҳақиқат, фуқаро тинчлиги, осойишталиги энг олий қадрият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ушбу масала устувор тавсифга эга ҳолат сифатида эътироф этилди, у мавжуд қонунчиликда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топлган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Муқаддима» қисмида Ўзбекистон халқи фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида мазкур асосий Қонунни қабул қилганлигига эътибор қаратилди.

Асосий Қонуннинг 17-моддаси ташқи сиёсат масаласига бағишланган. Унда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига ара-

лашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқларнинг умум эътироф этилган бошқа қоида ва нормаларига асосланиши қайд этилади. 57-моддада эса конституциявий тузумни зўрлик қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлиги, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланиши ўз аксини топлган.

Мустақилликнинг миллат ва Ватан учун аҳамиятини тушунтирар экан, Ислои Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: «Биз учун мустақиллик — энг аввало ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзалигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўтабар шу Ватанда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, баркамолликни сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину дённат, меҳру оқибатни қарор топтиришдир.

Биз учун мустақиллик — Аллоҳнинг ўзи эл-юртимизга инъом этган табиий бойликларга эғалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажақ авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.

Биз учун истиқлол миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавқатини кўтарадиган соғлом авлоддн, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини қуришдир. Ҳар бир фуқаро учун миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар эркинлик, тенглик, бирдамлик, муносиб шароит яратиб беришдир».

Назаримизда, ушбу таъриф мустақиллик феноменига тўлиқ жавоб бера олади.

(Давоми 3-бетда)

Жондор туман тиббиёт бирлашмаси маъмурияти ва касоба уюшма кўмитаси

Энг улуг, энг азиз байрам — Мустақилликнинг 19 йиллиги билан эл саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган тиббиёт ходимлари ҳамда барча юртдошларимизни муборакбод этади.

Истиқлол туфайли равнақ топаётган юртимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга фаровонлик, ёшларимизга баркамоллик тилайди. Байрам муборак, азизлар!



Туман тиббиёт бирлашмаси касоба уюшма кўмитасига 19 та касалхона бўлимлари, 35 та КВП, 1 та туман ДСЭНМ, 1 та Саломатлик маркази, 4 та хусусий шифохона шохобчасида ишловчи 2585 нафар ходим аъзоликка қабул қилинган. Уларнинг 1478 нафари хотин-қизлардир. Аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялангани, уларни соғломлаштириш, иш, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, фарзандларига гамхўрлик қилиш доимо диққат марказимизда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида жамоа шартномаси талабларини бажариш учун 3 млн. 700 минг сўм сарфланди. Ватанимиз бўйлаб саёҳат уюштириш учун 2 млн., кам таъминланган аъзоларга 700 минг сўмдан ортик моддий ёрдам берилди. Болажонларни дам олдириш учун 462 700 сўм сарфланди.

Изат БОЙМУРОДОВ,
 Жондор туман тиббиёт бирлашмаси касоба уюшма кўмитаси раиси



Халқаро алоқа — тараққиёт омили

(Давоми. Боши 1-бетда)
УЗКУФК ва унга аъзо ташкилотлар БМТ институтларидан бўлмиш ХМТ билан ҳамкорликда лойиҳалар амалга оширади. Ушбу нуфузли ташкилотнинг минтақавий бўлими билан биргаликда уч томонлама келишувга асосан ижтимоий шерикчилик, меҳнат муҳофазаси, болаларни меҳнатга жалб қилиш ва бандлик мавзуларига бағишланган туркум семинарлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Шу билан бирга Турин, Кипр, Москва, Душанбе, Алмати, Киев ва Боку шаҳарларида ташкиллаштирилган «Меҳнат соҳасига асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар» мавзусидаги семинарларда вакилларимиз фаол қатнашди.

ганлиги ҳам халқаро ташкилотлар эътирофига сазовор бўлди. Республикаимиз ҳукумати-нинг таълим ва фан ривожланишига ҳамда ёш кадрларни тайёрлашга қаратилган сиёсати халқаро ташкилотларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Халқаро таълим ташкилоти (Education International)га Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси аъзо бўлди. Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши вакиллари Индонезия, Бразилия, Германия ва Алмати, Куала-Лумпур ва Таиланддаги сайёр йиғилишларда қатнашиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг халқаро фаолияти ҳам бир қадар ривожланиб бормоқда. Чунончи, Юнион Нетворк Интернетлри (UNI)нинг Шарқий Европа ва Марказий Осиёдаги ваколатхонаси томонидан ўқазилган қатор семинарларда қатнашиб, бандлик, глобаллашув жараёнида касаба уюшмаларининг роли, уларнинг ҳуқуқларига риоя этиш масалалари муҳофазат қилинган.

Агрисаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси асосий алоқаларни Евроосиё мамла-латлари билан ривожлантириб, ўтиш даврида учрайдиган тармоқ муаммолари, унинг тузилмаларини такомиллаштириш масалаларига эътиборни қунайтирмоқда.

Европа парламенти томонидан Белгияда ўтказилган «Ўзбекистонда гендер тенглиги» мавзусидаги давра суҳбат-ида давлат арбоблари билан биргаликда КУФК раиси ҳам маъруза билан иштирок этди. Мустақиллик шарофати икки томонлама ахборотлар, касаба уюшмалари фаоллари гуруҳлари билан алмашувлар тармоқ кенгашлари даражасида ҳам ривожланиб бормоқда. Масалан, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгаши вакиллари Озарбайжон, Белоруссия, Молдавия, Украина, Қозоғистон ва Россиядаги турдош касаба уюшмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши турдош бўлган Халқаро касаба уюшмалари (ICEM) ташкилоти билан ҳам мустақкам алоқа ўрнатган. Тармоқ Марказий кенгашининг хотин-қизлар комиссияси раиси ушбу халқаро ташкилотнинг Минтақавий ваколатхонаси хотин-қизлар кўмитасининг раиси этиб сайланди. Бу Ўзбекистонда халқаро миқёсда музокара олиб борадиган етук кадрлар етарлигини ва юртимиз аёлларнинг ижтимоий ҳимояси, тенгликни таъминлаш бўйича бой тажрибага эга эканлигини исботлади. Тармоқ Марказий кенгаши раиси этиб аёл киши сайлан-

ганлиги ҳам халқаро ташкилотлар эътирофига сазовор бўлди. Республикаимиз ҳукумати-нинг таълим ва фан ривожланишига ҳамда ёш кадрларни тайёрлашга қаратилган сиёсати халқаро ташкилотларнинг ҳам эътиборидан четда қолмади. Халқаро таълим ташкилоти (Education International)га Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси аъзо бўлди. Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши вакиллари Индонезия, Бразилия, Германия ва Алмати, Куала-Лумпур ва Таиланддаги сайёр йиғилишларда қатнашиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Темирйўлчилар ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши МДХ ва Болтиқбўйи республикаларидаги ҳамкасблари билан доимий алоқа ўрнатиб, ютуқ ва камчиликлар бўйича фикр алмашиб туришибди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши халқаро алоқаларни икки томонлама ҳамкорлик асосида олиб боради. Соҳа меҳнатқиларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Миср Араб Республикаси билан Қувайт давлатидан Ўзбекистонга келган ҳамкасбларини Республикада соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислохотлар, бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги муаммолар, тармоқ касаба уюшмасининг бу борадаги тажрибалари билан таништиришди. Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси билан ҳамкорлик ҳам мустақиллик йилларидан бери давом этмоқда.

Ўзбекистонда халқаро миқёсда музокара олиб борадиган етук кадрлар етарлигини ва юртимиз аёлларнинг ижтимоий ҳимояси, тенгликни таъминлаш бўйича бой тажрибага эга эканлигини исботлади. Тармоқ Марказий кенгаши раиси этиб аёл киши сайлан-

Покистон халқига инсонпарварлик ёрдами

21 август куни «Ил-76» транспорт самолётида Тошкентдан Исломободга табиий офатдан жабрланган Покистон халқига Ўзбекистон Республикасининг инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.

Вазни 40 тонна ва қиймати 300 минг АҚШ доллари миқдоридagi мазкур инсонпарварлик ёрдами энг зарур нарсалар, жумладан, чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, дори-дармон, ун, гуруч, болалар озукаси, катталар ва болалар учун кийим-кечакдан иборат. Ўзбекистоннинг ушбу инсонпарварлик ёрдами Покистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Бу ерда инглиз тилида нашр этиладиган «World Tribune Pakistan» газетаси ўз саҳифалари ва веб-сайтида «Ўзбекистон тошқиндан жабр кўрган Покистон халқига инсонпарварлик ёрдами жўнатди» сарлавҳаси остида материал чоп этди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

Президент Осиф Али Зардорий, Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи ишлар вазирлиги номидан Ўзбекистон раҳбариятини ишонтириб айтганки, покистонликлар қардош ўзбек халқи кўрсатаётган ёрдами ҳеч қачон унутмайди. Дўст кулфатда билинади! Покистонликлар учун оғир кунларда ўзбек халқининг олижаноблиги ва бағрикенглиги билан зарур ёрдам кўрсатгани айна мана шу халқ мақолининг яна бир ифодаси бўлди».

«Ўзбекистон ушбу мусибатли кунларда қардош Покистон халқини кўлаб-қувватлади. Республика раҳбарияти Покистонда тошқиндан азият чекканларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди». Инглиз тилидаги яна бир веб-сайт — «Daily Times» «Бутун дунё Покистонга тошқин оқибатларини бартараф этишда ёрдам бермоқда» сарлавҳали материални эълон қилди. Унда куйидагилар қайд этилган: «Ўзбекистон Покистонга тошқин қурбонлари учун 40 тонналик ёрдам юкани етказиб берди. Чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, дори-дармон, ун, гуруч, болалар озукаси, катталар ва болалар учун кийим-кечакдан иборат ушбу ёрдам Ўзбекистондан транспорт самолётида келтирилди».

Ўзбекистон томонидан ушбу инсонпарварлик ёрдами Покистон вакиллари топириш маросими, шунингдек, «Euronews» Европа телеканал орқали кенг ёритилди. Мазкур тадбир ҳақидаги фотолар «Associated Press» (АҚШ) ахборот агентлигининг электрон саҳифасида ҳам эълон қилинди.

Айни вақтда Ўзбекистон томонидан етказиб берилган инсонпарварлик ёрдами Покистон жамоатчилиги, расмий ва дипломатик доиралар томонидан катта мамнуният билан қутиб олинди. Хусусан, инсонпарварлик ёрдами топириш маросимида иштирок этган Покистон Ислому Республикасининг Давлат ташқи ишлар вазири Навабзода Малик Амад Хон бундай деди: «Мен ҳукуматимиз номидан Ўзбекистон Президентини Ислому Каримовдан ва бутун қардош ўзбек халқига юборган ушбу зарур инсонпарварлик ёрдами учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Инсонпарварлик юки таркибида келтирилган фармацевтика воситалари эса талофат кўрган ҳудудларга дори-дармон етказиб берилишини мувофиқлаштираётган Покистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг бирлашган навбатчи штаби ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Покистондаги ваколатхонасига топирилади». Инсонпарварлик юкани жўнатишда қатнашган Покистон Ислому Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Муҳаммад Воҳид ул-Хасан Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига Покистон халқига кўрсатган ёрдами учун миннатдорлик изҳор этаркан, куйидагиларни таъкидлади:

«Покистон Ислому Республикасида рўй берган табиий офат тўғрисида 20 миллион киши жабр кўрди, уларнинг 4 миллион нафари бошпанасиз қолди. Жала тўхтамаяпти, такрорий тошқинлар бўлиши қутилмоқда. Покистон тарихида бундай табиий офат ҳали қузатилмаган. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ёрдами жабрланганлар эҳтиёжларини қоплаш учун ўз вақтида етказиб берилди. Айни пайтда чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, болалар озукасига, айниқса, эҳтиёж катта.

«Покистон Ислому Республикасида рўй берган табиий офат тўғрисида 20 миллион киши жабр кўрди, уларнинг 4 миллион нафари бошпанасиз қолди. Жала тўхтамаяпти, такрорий тошқинлар бўлиши қутилмоқда. Покистон тарихида бундай табиий офат ҳали қузатилмаган. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ёрдами жабрланганлар эҳтиёжларини қоплаш учун ўз вақтида етказиб берилди. Айни пайтда чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, болалар озукасига, айниқса, эҳтиёж катта.

2005 йили Покистон зилзила оқибатида вайрон бўлган пайтда ҳам Ўзбекистон халқимизга биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзган ва Исломободга инсонпарварлик ёрдами жўнатган эди.

«Ўзбекистон раҳбарияти Покистон халқига ҳар доим ёрдам беришга тайёр эканини яна бир бор исботлади. Ушбу оғир кунларда кўрсатилган ёрдам учун миннатдоримиз. Мазкур тошқин мамлакатимиз тарихидаги энг катта табиий офатлардан бўлиб, унинг оқибатида 20 миллиондан ортиқ одам жабр кўрди.

Ўзбекистон раҳбарияти Покистон халқига ҳар доим ёрдам беришга тайёр эканини яна бир бор исботлади. Ушбу оғир кунларда кўрсатилган ёрдам учун миннатдоримиз. Мазкур тошқин мамлакатимиз тарихидаги энг катта табиий офатлардан бўлиб, унинг оқибатида 20 миллиондан ортиқ одам жабр кўрди.

Ўзбекистон раҳбарияти Покистон халқига ҳар доим ёрдам беришга тайёр эканини яна бир бор исботлади. Ушбу оғир кунларда кўрсатилган ёрдам учун миннатдоримиз. Мазкур тошқин мамлакатимиз тарихидаги энг катта табиий офатлардан бўлиб, унинг оқибатида 20 миллиондан ортиқ одам жабр кўрди.

Ўза парваришида зарбдор ойлик

Жиззах вилояти пахтакорлари жорий йилда 101.800 гектар майдонда деҳқончилик қилапти. Ўза парваришида зарбдор ойлик эълон қилинган айни кунларда 1200 та култиватор ёрдамида ўза қатор ораларига ишлов берилмоқда. Кунига 5,5 минг гектар ердаги ўзалар оби-ҳаётга қондирилмоқда. Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл тумани деҳқонлари бу борада пешқадамлик қилишяпти.

Баравж, сермавж

— Асат — келиннинг ясат, деб бежиз айтишмаган, — Мирзачўл туманидаги «Янгидала» СФУ худудида жойлашган «Хумо» фермер хўжалиги раҳбари Инъомжон Урозов мutoйиба қилади. — Айни кунларда далаларимизда иш қизгин. Ўзаларнинг ён шохларини чеканка қилишга эътибор қаратганмиз. Бунда ҳосилдорлик гектарига 7-8 центнер ортиши тажрибадан маълум. Тунги суғоришда ҳам асосан «шарбат» усулини қўллаяпмиз. Олимларнинг кузатишича, ўза ўз танасида икки минг даража иссиқ ҳароратни қабул қилсагина яхши етиларкан. Бунинг учун пайкаллар тракторлар ёрдамида шамоллатиб турлиши ҳам муҳим. Айни пайтда пайкалдаги ҳар туп ўзада 8-10 тадан бўлиқ кўсақ бор. Жамоамиз ана шу ҳосилни сақлаб қолиш билан бирга, ҳосилга ҳосил қўишиш учун курашмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Лицензия — расмий фаолиятингиз кафолати

Кундалик ҳаётимизга аудио-видео маҳсулотлар катта тезлик билан кириб келмоқда. Уларнинг қонуний равишида ишлаб чиқарилганлиги ёки махсус рухсатномага эга корхоналар томонидан сотилишига кўпчилик истеъмолчилар эътибор қилишмайди. Аудио-видео кассеталар ва лазерли дисклар бозорига лицензияланмаган, сифати талабга жавоб бермайдиган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ҳамда сотилишини олдини олиш, солиқ идораларининг доимий назоратидадир.

Аудио-видео маҳсулотларни яратиш, ишлаб чиқариш, ёзиб олиш, кўпайтириш ва сотиш қонунчилигида лицензиялаш орқали тартибга солинади. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасида: «Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари кирди», деб кўрсатилган. «Грампластинкалар,

аудиокассеталар ва лазерли дискларни яратиш, ишлаб чиқариш, ёзиб олиш, кўпайтириш ва реализация қилиш» эса Олий Мажлиснинг «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ лицензияланадиган фаолият турлари таркибига кирди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги 498-сонли қарори билан тасдиқланган «Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни иш-

лаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида Низом»га кўра ушбу фаолият билан фақат юридик шахслар шуғулланиши мумкин.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси томонидан кўрсатиб ўтилган қарорлар ижросини таъминлаш, маулифларнинг ҳуқуқлари бузилишини ҳамда расмий равишда ишлаб чиқарувчиларга етказилаётган иқтисодий зарарнинг олдини олиш, истеъмолчиларга сифатсиз маҳсулот сотилишига барҳам бериш мақсадида рейд ва текширувлар мунтазам ўтказилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг «Назорат тартибидеги ва қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш» бўлими томонидан 23 та савдо шохобчасида қисқа муддатли тек-

ширув ўтказилди. Мазкур тадбирлар давомида 142 млн. 498 минг сўмлик 44608 донга аудио-видео кассеталар, лазер дисклари олиб қўйилган ва жавобгарлик чоралари кўриш учун расмийлаштирилган.

Масалан, «Қатортол савдо мажмуаси» худудида жойлашган фуқаро Фаёз Ҳакимовга қарашли савдо шохобчасида текширув ўтказилганда савдонинг белгиланган тартибда, расмийлаштирилмаган ҳамда рухсат берувчи ҳужжатлар ва тегишли солиқ тўловларини амалга оширмаган ҳолда фаолият юритаётгани аниқланди. 7 млн. 656 минг сўмлик ҳар хил мазмундаги лазер дисклар олиб қўйилиб, қонун бузувчи жавобгарликка тортилган.

Бу каби текширувлар сохта тадбиркорларнинг фаолиятига чек қўйишга, қонун доирасида фаолият кўрсатувчилар сонининг кўпайишига хизмат қилади. Рустам РАҲМОНОВ, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ходими



(Давлат. Боши 1-бетда)

Шу тахлит юртимизда амалга оширилган ислохотларга бўлган каби халқро сиёсат, миллий хавфсизлик, айниқса, халқимиз тинчилиги, осудалигини таъминлаш масалаларига ҳам ўзига хос ёндашув шаклланди.

Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатида тинчлик, осудалик, ижтимоий тараққиёт, мамлакат ва миллат манфаатлари устувор стратегик йўналишга эга бўлган вазифа ҳисобланганида. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида содир этилган қатор ғарзликлар, диний экстремистик чиқишлар, халқро террористларнинг ёвуз хатти-ҳаракатлари, Тошкент, Ромитан, Сурхондарё, Андижондаги воқеалар — буларнинг бари давлатимиз ва халқимизнинг тинчлик, осудалик йўлидаги озу-умидларини рўйбга чиқариш борасидаги сиёсати тубайли ижобий ҳал этилди.

Ўзбек халқи минтақада мустақам қим тинчлик ўрнатилган манфаатдордир. Буни жорий йилнинг 11-15 июн кунлари қўшни Қирғизистон жанубидagi воқеалар яна бир бор тасдиқлади. Мамлакатимиз ҳудудига ўтган ўн минглаб қочқоқларга ўз меҳр-муҳаббати, ҳурмат-эҳтиромини кўрсатган ўзбек халқининг бағрикенглиги ҳақон ҳам-жамияти томонидан яна бир бор эътироф этилди.

Аслида, ўзбек халқининг табиати ва турмуш тарзида бунёдкорлик, янгиликка интилиш, ўзгаларга яхшилик, эзгу амаллар қилиш ва бундан роҳатланиш хисси мавжуд. Шунинг учун ҳам халқимизда ўзига хос ва ўзига мос кучли тинчликпарварлик маданияти шаклланди. Ҳар бир инсоннинг эса урушларга йўл қўймаслиги, давлатларо низо ва можароларни сиёсий воситалар билан ҳал этиш, мамлакат ичидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан барқараф қилиш, инсон ҳуқуқи ва қонун устуворлигини таъминлаш ташкил этади.

Бугунги замонада маънавий бойликларни сақлаб қолиш учун, аввало, қонли можароларга барҳам бериш, тинчлик ва тотувлиқни қорон топтириш, маданий мерос, осори-атикаларни, урф-одатларни асраб-авайлаш, дунё халқларининг илм-фан юзликларидан бирдек баҳраманд бўлишига эришиш жуда муҳимдир.

Дунёда инсон қадрини қимматлироқ қилиш йўли. Инсоннинг ҳар бир ҳаракати, жамиятдаги мавжудлигини сездириб туриш, ўзини ўзи ривожлантириш, такомиллаштириш йўлидаги интилишлар аслида, ўзининг қадрини учун курашишдан бошқа нарса эмас. Шу асосда таъкидлаш лозимки, инсоннинг қадрини баландлиги, бошқалар томонидан эътироф этилиши, фахм-фаросатию ақлазковат даражаси жуда кўп омилларга боғлиқ. Аммо ўша омиллар орасида инсоннинг маънавий олами шакллантириш билан боғлиқ ҳодиса борки, усиз баркамол авлодни тарбиялаш мутлақо мумкин эмас.

Маълумат Президенти айтиши бундан ҳам жуда катта аҳамият бериб, инсоннинг баркамоллигини унинг маънавий оламида акс этишини қайд этади. Инсон маънавий оламида мазмун-моҳиятини, ўқ томирини, тамал тошини эса шахсининг ўзини англаши, яхшилик, эзгулик, гўзалликка интилиш, улугворлик, ўзгаларга иззат-ҳурмат кўрсатиш, теваққуфчилик намоиши этиш, теваққуфчилик бадиий жиҳатдан идрок этиш каби кўплаб сифатлар ташкил этади. Ўзи, инсон ўзалигини, энг аввало, ўз маънавияти орқали ифода этади.

Инсон маънавий оламида маънавий олами нарса эмас. Ақинча, бу нарса аниқ, равшан ижтимоий-маданий ҳодиса. Инсон маънавий олами жуда кўп омиллар асосида шаклланди. Бунда, айниқса, миллий маданият, миллий адабиёт, миллий тарих, миллий ахлоқ қаби-ларнинг ўрни бениҳоят каттадир. Хизмат тақозоси тубайли ёшлар билан учрашиш турамиз. Сўнгги йилларда уларнинг ижтимоий-маданий ҳаётинидаги ижобий ўзгаришларини кўриб қувонамиз. Улардаги ижтимоий фаоллик, сиёсий маданият, ҳуқуқий саводхонликнинг тобора ортиб бораётганлиги, улар тафаккурдаги ўзгаришлар бу ёшларнинг замон билан қадам-бақадам олға бораётганлигини кўрсатади.

Фикримизча, инсон маънавий олами шакллантириб, уни бойлатишда энг муҳим омиллардан бири миллий тарихин ўрганиш, ундан гурурланишдир. Мустақиллик тубайли қўлга киритилган энг катта бойликлардан бири — миллий тарихимизни қандай бўлса, шундайлигича, ҳолисона равишда ўрганиш имкониятидир.

Миллий гуруртнинг салоҳияти, тобору-эътибори, бошқа халқлар томонидан эътироф этилиши, жаҳон тамаддунига қўшган улушидан фахрланиш хиссидир. Шунингдек, миллий гурурт у ёки бу

миллатнинг ўз-ўзини англаши, аждоғлар қолдирган моддий ва маънавий меросдан фахрланиши, ўз миллати манфаатини йўлида сабот билан саъй-ҳаракат қилиши ҳам дам.

Дарҳақиқат, уч минг йиллик миллий давлатчилигимиз тарихидан гурурланмай туриб, қандай миллий гурурт тўғрисида гапириш мумкин. Хозирги Ўзбекистон ҳудудида, умуман, Марказий Осиёда яшаб, истиқомат қилган яратилган кўпгина миллий гурурт тўғрисида гапиришни ўзи гайритабиий.

Бир мисол, И.Абдуллаевнинг «Марказий Осиёда Ислам маданияти» деб номланган асарида VIII асрдан XX асргача мизтақда яшаб, истиқомат қилган айрим иждоқорлар ҳақида қисқача маълумотлар берилади. Жумладан, ушбу даврда Марказий Осиёда яшаб,

лқининг юрт, миллат манфаати учун кураши, истиқлол ва озодлик, эрк учун олиб борган қурашдан гурурланиш фақат ва фақат маънавияти юксак, ўзини англай оладиган, теваққуфчилик ҳодисасини содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни қалб ва ақдан англай оладиган шахсдагина шаклланиш мумкин. Бу — аксиома. Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги уни ёшлар қай даражада нозик дид ва теран тафаккур билан англаб етишларига боғлиқ, албатта.

Баркамол авлод маънавий олами шакллантириш эҳтиёж, интилиш, ижод натижасида содир бўлиши мумкин. Аммо сўнгги пайтларда «глобаллашув» байроғи остида ўзга гоя, «таълимот», «изм»ларнинг кириб келиши ҳам кучайиб бормоқда. Аслида, глобаллашув — инсоният тараққиёти, фан техникаси, янги техносологияларнинг ҳосиласи ҳисобланади. Хозирги кунда дунёдаги бирорта ҳам халқ ўз «қобилиги» ривожлана олиши мумкин эмас. Қолаверса, дунёда шундай хавф-хатарлар пайдо

майди. Фарбинки, глобаллашувни сохта эркинлик, мутлақлашувни оқибатлари миллий ўзлигини англаш, миллий давлатчилик, миллий маданият ривожига акс таъсир этувчи омил эканлиги, улар пировард натижада шахс маънавий оламида пучу етказувчи, кемирувчи ва йўқ қилувчи ҳодиса эканлиги энди сир бўлмай қолди.

Баркамол инсон маънавий олами бойитиш, поклантириш, шакллантириш бунга ҳаракат бўлиб келган учун асло беғона эмас. Миллий тарихимиз, анъаналаримиз, маданиятимизнинг қайси саҳифасини варақламайлик, ундаги бош гоя инсон, унинг қалбини поклантиришдан иборат. Айниқса, миллий тарбиямиз тизимида «ўрнат» омил нотада катта. Шунинг учун ҳам ота-она, ёши улуг кексалар, олим уфзалларнинг шахсий ибрати миллий тарбия тизимимизда алоҳида ўрин насадиридир», деб таъкидланган ҳадис ҳам шу нуктаи назарни тасдиқлайди.

Умуман, шахс маънавий олами

сељатидан «бегоналашув» юзга келиди, миллий уйланиш содир бўлди, ўтмиш маданий меросини тиклашга интилиш кучайди.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларни ўрганиш, тиклаш, уларни халқнинг ижтимоий-маданий ютуғларига эришилди. Президент Фармонига кўра, 1991 йилдан ҳар йилнинг 21 март куни Наврўз умум-халқ байрами сифатида нишонлана бошланди. Шунингдек, Юртбошимиз томонидан «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисидаги», «Ўзбекистон Республикасининг Вазирилар Маҳкамаси ҳузурига дин ишлари бўйича комитет ташкил қилиш тўғрисидаги», «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида» қаб қатор фармонлари эълон қилинди. Буларда ўзбек халқининг урф-одат, анъаналари тикланганлигини, уларнинг том маънода халқ мулкига айланганлигини кўриш мумкин эди.

Ўзбекистон Республикаси Пре-

тақиллик эса Ватанимизнинг жабон ҳамжамиятининг эркин субъектига айланишига имкон берди. Бу, ўз навбатида, ўзбек халқининг умумбашарий қадриятларга ошно бўлишини таъминлади.

Юртбошимиз мустақилликнинг илк кунларидан халқимизнинг ўша азалий қадриятларини қорон топтиришга эътиборни кучайтирди. Ушбу масалага бағишлаб Президент томонидан айтилган «...Тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шафқат, кадр-қиммат деган, бир-бирини ҳуқур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалар ғалати туялмаслиги, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишнинг ўзи бир муаммо. ... Масалан, эзгу одатларимизга айланб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу аввало инсоннинг инсон билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндоши, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйлун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусоабқаларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан, бегараз ёрдам бериши англади ва бундай ҳусусийат халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч қим инкор эта олмайди».

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон том маънода кўп миллилати мамлакат. Ҳозирда бу ерда 136 миллилат ва элат истиқомат қилмоқда. 2002 йилги маълумотларга кўра, мамлакатимизда 1,2 млн. тожик, 1,1 млн. рус, 989 минг қозоқ, 534,8 минг қирғиз, 172,4 минг корейс, 147 минг туркман, 103,5 минг украин, шунингдек кўплаб арман, озарбайжон, белорус, яхудий, немис, молдав, грузин, эстон, литвалликлар, латшалар ва яна кўплаб бошқа миллилат вакиллари яшаб келмоқда.

Истиқлол йилларида республиканинг асосий миллати бўлиши Ўзбекларнинг зотимасига миллитларо тинч-товушликни сақлашдек катта масъулият тушди, бу синовдан қатъи ҳалдан чиқдик.

Умуман, ўзбек халқининг қадр-қиммати, меҳр-оқибати, бағрикенглиги Ўзбекистон миллий сиёсатида ўзининг эркин ифодасини топган. Унинг асосий қодалари қуйидагилардан иборат:

— миллилати, ирқи, диний эътиқодидан қатъи назар республика барча фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги;

— шахсининг устуворлиги ва жамиятдаги ижтимоий адолатини белгилайдиган инсон ҳуқуқларининг бошқа барча ҳуқуқлардан устуңлиги;

— қам сонли миллитларнинг ҳақ-ҳуқуқларига эътибор билан қараш, уларнинг тирли, ақли ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, уларнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш, шунингдек, эркин ва ҳан томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

— ҳар бир оиланинг, ҳар бир инсоннинг миллатидан қатъий назар ижтимоий ҳимояланшини таъминлайдиган юксак даражада ривожланган, топталган соҳага йўналтирилган ижтимоий соҳага таъинлиги;

— миллитларо муносабатлардаги низоли вазиятларни ижтимоий-сиёсий асосда тинч йўл билан ҳал этиш.

Таъкидлаш лозимки, миллантлик аслида мамлакат ва тоилар ривожланишидаги муҳим таянч нуқталардан биридир. Шу нарча маълумки, ҳар қандай мамлакатда том маънода ўша ҳудуддаги миллий сиёсат, иқкинчида, давлат томонидан қабул қилинган мавжуд қонунчилик ва энг муҳими, миллитнинг характери, мазмун-моҳиятига боғлиқдир. Ушбу у ҳолатнинг мамлакатимизда мавжудлиги ҳақиқий маънодаги ижтимоий тараққиётга асос солмақда.

Ҳақон тобора глобаллашиб, иқтисодий соҳада интеграция кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Давлатлар ва миллитлар ўртасидаги мусобақа кучаймоқда. Мусобақалар нафақат иқтисодий соҳани, айни пайтда сиёсат, ижтимоий соҳа, маънавий-маърифий, гоявий-мафкуравий жаҳаларни ҳам қамраб олмақда. Аша шундай шароитда тинч ва осуда ҳаёт барпо этиш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига эришиш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, бағрикенглик сифатларига эга бўлиш том маънода ижтимоий тараққиётини таъминловчи кучдир. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган энг катта ютуғи ҳам шундан.

Азиз МАВРАУВ,
Абдуҳалил ТУРРАЕВ,
Ўзбекистон давлат маданият институтининг профессорлари

Тинч ва осуда ҳаёт орзуси

ижод қилган 57 нафар ислом олими, 60 нафар машур фан арбоби, 86 нафар адиб, шоир ва тилшунос, 72 нафар ҳатот, 84 та ислом олимидаси тўғрисида маълумот берилади. Албатта, бу рақамлар Ўзбекистоннинг тўлиқ илмий-диний салоҳиятини англамайди, зеро уларнинг сонини бир неча ўн ва юз марта кўпдир.

Баркамол авлод маънавий олами шакллантириш йўлида маълум мустақиллик гояларини сингдириш билан бевосита боғлиқдир. Аслида, миллий тарихимиз мустақиллик учун курашлар сиёсатидан иборат.

Эрон аҳмонийлари, Греция македонлар, араб, мўғул, русия истилолари, коммунистик ҳукмронлик — буларнинг бари табиий, жўроғий, геополитик нуктаи назардан жуда қулай бўлган ҳудуднинг мустамлакачилар томонидан босиб олинши, халқини қул қилиш, яратилган илмий, диний, бадиий меросини йўқ қилишдан бошқа нарса эмасди.

Ҳўш, нима учун ҳаммаси аён бўлган ушбу масалалар ҳақида яна тўхталяпми?

Ўқурида қўйилган саволга жавоб бериб, шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек халқи ўз мустақиллигини минглаб, юз минглаб фарзандлари қони ва жони ҳисобига қўлга киритди. Бу маънавий жиҳатдан баркамолликка интилган фуқаро ва халқ томонидангина амалга оширилди.

Эрон аҳмонийларига қарши 200, грек-македонларга қарши 180, араб истилочиларига қарши 200, мўғул босқинчиларига қарши 150, Русия ва коммунистик ҳукмронликка қарши олиб борилган 130 йиллик курашлар замирида ҳам юксак мустақиллик гоялари, олисқа маънавият, Ватан тақдирига дахлдорлик хисси ётибди.

Тарихий ҳужжатларнинг далолат беришича, 1919 йилда биргина Фарғона водийсида 150 дан ортиқ миллий-озодлик ҳаракати отрядлари мустақиллик гоялари учун кураш олиб борди. Мадаминбек кўрбоши 1930 йилда 30 мингга яқин, Шермухаммадбек раҳбарлигида 20 минг, Эргаш кўрбоши бошчилигида эса 8 минг нафар озодлик жангчиси юрт, миллат, Ватан учун кўлларига қурол олди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, гайринисоний сиёсат, инсоннинг қадр-қимматини поймол этиш, урф-одат, анъаналарини йўқ қилиш ҳар қандай мустамлакачиликнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Мустамлакачиликнинг бундай кўрсатишларига қарши кураш эса сиёсий қатағонга дучор этилди. Биргина 1937-1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг киши қатағонга учради, уларнинг 13 миғи отиб ташланди. Қатл этилганлар эса аслида миллатнинг гуллари, миллат маънавий олами шакллантирувчи олим, мутафаккир, давлат арбоби, сиёсат, санъаткор, адиблар эди.

Мамлакатимиз ва миллатимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган хиссасидан фахрланиш, ўзбек халқ

бўлмоқдаки, унга дунёнинг бирор-бир давлати, ҳаттоки, иқтисодий-сиёсий жиҳатдан дунёга ҳукмронлик қилишига даъвогарлик қилаётган мамлакатлар ҳам дош бера олмайди. Бунга мисоллар кўп.

Халқро терроризм, диний экстремизм, СПИД, нарқоҳуруж каби бало-қазоларга шу кунда эгоцентризм ва эркинлик ниқоби остидаги ахлоқсизлик бўлсафари ҳам қўшилиб бормоқда. Фуқаро, шубҳасиз, инсоният тақдирда маълум ижобий аҳамиятга эга бўлган глобаллашувнинг салбий оқибатларидир. Шу ўринда рус олими В.Иноземцевнинг қуйидаги фикрларига эътибор қаратсак: «Глобаллашув, аслини олганда, кўллара кўтариб оқибатлардан «умуминсоний қадриятларга» таянувчи ягона тамаддуни шаклланиши жараёнини эмас, балки мутлақо ўзга ҳолатини — жамиятнинг «ғарбона» моделининг экспансиясини ва дунёнинг ана шу моделга мослашишини ифодалайди. Бугун глобаллашув деб аташдан яна жабоний гарблантириш, дея аниқроқ ифодалаш мумкин».

Назаримизда, ушбу таъкид тўғрисида ўхшайди. Глобаллашув ва «оммавий маданият», «дунё фуқароси», «умуминсоний қадрият учун кураш», «шахс индивидуализми», «маданиятларо ва цивилизацияларо тўқнашувлар» ширини остидада ҳар қандай ҳаракат остида аввало инсон, унинг маънавий олами забот этиш гояси ётибди. Афсуски, бу гоялар муайян даражада мамлакатимизда ҳам тарқалган бормоқда. Юртбошимиз таъкидлагани қаби, «оммавий маданият» деган нукта остида ахлоқий бузуқлик ва зуравонлик, индивидуализм, эгоцентризм гояларини тарқатиш, зероқ бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орқалиги, бошқа халқларнинг нота тинг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришига қаратилган хатарли таҳдидлар одамини ташвишга солмай қўймайди.

Дарҳақиқат, инсон қалбидаги, маънавий оламидаги яхшилик, эзгулик, гўзаллик, оқиллик, тарбияланганлик, ҳалол оқиллик қилиш, ўзгалар оғирини енгил қилиш, бахтли бўлишига интилиш каби сифатлар унингга бузғунчилик, ахлоқсизлик, риёкорлик, кишиларга озор бериш каби вайронкор гояларини олға суршишдек ҳаракатлар ҳеч қачон яхшиликка ҳизмат қил-

шакллантириш инсоннинг жисмоний тақомилга етишига қараганда ўта мураккаб жараён бўлиб, биз қанчалик даражада ёш авлодга ўзимизнинг ижобий сифатларимизни ўтказа олсак, шахсий ўрнат кўрсата олсак, фарзандларимиз тақдирига шу даражада таъсир қилган бўламиз.

Шахс маънавияти асосан икки кўринишга эга бўлади. Уни шартли равишда моддий-номоддий, шаклан ва мазмунан, жисмоний-тарфақурий, ҳасийн, хиронилларга бўлиш мумкин. Врачларнинг таъкидлашича, сўнгги пайтларда бола-ларимизнинг ўртача буй баландлиги даражаси ҳам ошим бормоқда. Бу нарса мамлакатимизда амалга оширилганда ислохотлар, тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги ижобий силжишлар билан изоҳланиши мумкин.

Мустақиллик йилларида қўлга киритилган энг катта бойликлардан бири, бу миллий ва умумбашарий қадриятларнинг устуңлигига эришилганлиқдир. Маълумки, қадриятлар нафақат ва воқеалар, жамият, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини ифодалаш учун қўлланиладиган тушунчадир. Қадриятлар ахлоқий қонда ва меъёрлар, идеаллар ва максадларга баҳолаш мезони ва усулларини ҳам ўзига акс эттиради. Улар ҳалоллик, поклик, ўзаро ёрдам, адолатчилик, ҳақиқаттўйлик, эзгулик, тинчлик, шахс эркинлиги, меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби фазилатлар, бурч, вайронкор, ор-номас, масъулият каби ахлоқий тушунчалар шаклида намоён бўлади.

Миллий қадриятлари бўлмаган халқнинг ўзи йўқ. Миллат — миллий қадриятларнинг соҳибий, милазуннинг таназзули — бундай таназзулдир.

Бу нарса, айниқса, ўзбек халқи учун жуда таниш ҳодиса. XIX аср II ярмидан XX аср 80-йилларигача бўлган даврда, дастлаб Россия империяси, кейинчалик эса совет мустабид тузумининг мустамлакачилик асорати остида маънавий қадриятларимиз топталди, унутлиди.


Наврўзини таъкидлаш, ислом динига қарши рақий ҳаракатларнинг кучайиши, миллий-маданий, тарихий меросимизга нисбатан беписанд муносабат, табиийки, ҳақли норозиликларни келтириб чиқарди. Кишиларда совет ҳукумати, унинг


зиддининг Фармонига асосан 1999 йил 7 апрелда Тошкент Ислам университети, Халқро ислом тақдиротлар маркази ташкил қилинди. Ал-Бухорий, ат-Термизий, Хожа Аҳмад Ясавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Мансур ал-Мотуридий, Бурхониддин ал-Марғиноний, Абдуллоҳи Фихудоний кабиларнинг йўл маданий, ижодий меросларини ўрганиш йўналиши тўғрисида. Шунингдек, Алишер Навоийнинг 550 йиллиги, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллиги, Амир Темурнинг 660 йиллиги, Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1210 йиллиги, Жалолидин Манғубердиннинг 800 йиллиги, «Алпомиш» достони яратилганининг минг йиллиги, «Авесто»нинг 2700 йиллиги тантанали равишда нишонланди.

Ҳўш, мазкур тадбирларни ўтказишдан қўзланган мақсад нима эди? Бузиққан, мустабид совет тузуми даврида тақиқланган миллий, маданий, тарихий мерос тиклана бошланди. Иқкинчидан, ўзбек халқининг бой маданияти, тарихий мероси ҳозирда шаклланиб келаятган учун, баркамол авлод тарбияси учун, унинг маънавий-руҳий қамолоти учун жуда зарур эди. Учинчидан, буюқ алломаларимиз, миллий қадриятларимиз ёшларимизда миллий гурурт, ватанпарварлик, миллат ва Ватан келажиги учун масъуллиқ ҳиссини туғдириш учун даркор эди. Тўртинчидан, топталган миллий маданият, тарихий бойликларимизни тиклаш ҳақон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини Ўзбекистонга қаратишига, мамлакатимиз илм-фан олами, маданиятининг жаҳонда фани олиниши учун ҳам керак эди.

Дарҳақиқат, миллий қадриятлар, урф-одатлар миллат нишонини, унинг кўзгуси ҳисобланади. Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг қуйидаги фикрларига эътиборингизни тортмай: «Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз — бундай улуг зотларнинг ҳаёт йўли ва қорларининг меросини тўлиқ таъсирдор эмас, балки уларнинг энг буюқ нафосини тартибда маърифат, илму фан, маданият, дин қаби соҳаларнинг барчасини ўзига уйлалаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир. Бундай ной ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама ҳуқур ўрганиши, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга ўтказиш масаласи барчамиз, биринчи гада, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт, деб ҳисоблайми. Нега деганда, ўзимиз-бугун шу юртда яшаётган ватанпарвар инсонлар бу вазифани ўз зиммимизга олмасак, четдан келиб ҳеч қим ҳеч қачон бу ишни қилиб берайми».

Маълумки, мустабид совет тузуми аслида ёлпқ жамият бўлиб, унда Ўзбекистон жаҳон тамаддуни билан қадамма-қадам юриши имкониятидан маҳрум эди. Мус-





Шукроналик

Подшо анчадан буён донг таратган, ҳар томонлама тараққий этган ўзга бир ўлкани босиб олмоқчи бўлибди. Қўшин тортиб, ўша давлатнинг чегарасига келиб, пайт пойлай бошлабди. Тун чўкканда, туйқусдан бостириб кирмоқчи бўлибди. Шунда подшонинг эътиборини ерда уймалашиб елкаларига гуруч орқалаб кетаётган чумолилар тўдаси тортибди. Энгашиб, гуручлардан бирини оғзига солиб кўрибди ва юз-кўзи ўзгариб, дарҳол ортга қайтиш ҳақида фармон берибди.

Бахт сурати

Шунда мулозиму лашкарбошилар ҳайрон бўлиб, шохдан нима учун бирдан бундай қарор қабул қилганлигини сўрашганда, алланечук ҳавас ва ўкинч аралаш шундай жавоб берибди:

— Қаранг, чумолилар пиширилган хуштам гуручларни ташишмоқда. Бу ернинг чумолилари-да шундай ош еб ҳаёт кечираётган бўлса, унда одамлари қанчалик тансиқ таомлар тановул қилар экан? Бундай бадавлат ўлкани босиб олиш, тўк, осойишта элни буйсундириш вақтни бекор сарфлаш билан баробар.

Ушанда подшо айтгандек, бу юртининг ҳукмдори одил сиёсатдон, элпарвар бўлиб, у ёвнинг туйқус бостириб келишидан беҳабар халқига ош бериб, етим-есирларга инъомлар улашган, эл дуосини олган экан. Тўкилган гуручларни териб, тизилишиб кетаётган чумолилар эса шу ўлкани, унда бахтли умргузаронлик қилаётган одамларни гаразгүй подшо чангалидан ҳеч бир та-

лофатларсиз қутқариб қолибди.

Ҳар гал шу ҳикояни эслаганимда, бахтли яшашнинг моҳияти ҳақида ўйлай бошлайман. Бунга билвосита дахлдор бўлган юрт тинчлиги, эл хотиржамлиги деган ўзи ихчам, аммо мазмуни залворли тушунчалар моҳиятини ҳис эта бошлайман. Эрта тонгдан кўчада ўз юмуши билан иш жойига, ўқишига ошиққан одамлар оқимига боқиб, яратганга шукрона келтираман. Сабаби... Агар кўчада тинчлик бўлмаса, қайси одам оила-си билан мамнун хайр-хўшлашади? Келажакка ишончи бўлмаса, фарзандини етаклаб ким илм ўчоғига боради? Бахтига шерик одамлар бўлмаса, ким орзу-ҳавас билан элга дастурхон ёзади?

Дунёнинг қайсидир ўлкаларида одамлар табиий ва нотабиий талафотлардан, очлик ва камбағалликдан жабр кўриб, бемақсад, беишонч умр ўтказишмоқда. Қуриб битаётган дарёлару тинмай оқаётган кўзёшлар қанча? Бир кўриб фикр қилсанг, минг эшитиб шукур

қиласан киши. Инқироз деб аталмиш аждарҳо ўз қомига не-не давлатларни тортаётган лаҳзада бизнинг юртда болаларга янги ўқув юртлари қурилса, бу миллат доврўгини дунёга ёйсин деб ижодкорларнинг биринчи китоблари давлат томонидан бепул чиқарилса...


Уйлаб қаралса, тонг ва тун ўртасида оддий ишга бориб келиш ёки кун давомида ниманидир бажариш учун ҳам бир чимдим хотиржамлик ва ўз-ўзига ишонч керак. Бундай туйғуларни эса фақат шу юртда ҳукм сураётган ТИНЧЛИК бера олади.

Бугун эрта тонгдан йўлга чиққан ҳар бир юрдошимизнинг ўз мақсади бор. У фақат оиласи учунгина эмас, ВАТАН қори учун ҳам оқшом қадар эзгуликлар қилади. Эрта учун, ўсиб келаётган фарзандлари учун арзигулик амаллар бажаради. Чунки унинг эртасига бўлган ИШОНЧИ, ЭЪТИҚОДИ бор. Бахтли яшаш учун эса шунинг ўзи етарли.

Нарғиза АСАДОВА

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси,
кимё саноати ва геология ходимлари
касаба уюшмаси Марказий кенгашининг
Хоразм вилоят вакиллиги

Мамлакатимиз халқини юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаатлари, эркинлиги ва фаровонлигининг гарови бўлган Мустақилликнинг 19 йиллиги билан қутлайди. Улуғ байрам кунларида ҳаммага эзгу ниятларимизни изҳор этиб, бунёдкор халқимизга сихат-саломатлик, бахт ва омад тилаймиз!

Самарқанд вилоят соғлиқни
сақлаш ходимлари касаба
уюшмаси кенгаши

Бунёдкор халқимизни
мамлакатимиз

Мустақиллигининг 19 йиллиги
билан қутлайди.

Саломатлик посбонларига узоқ
умр, оилавий хотиржамлик,
юртимизга тинчлик ва
омонлик тилайди.

Баркамол авлод, соғлом
миллат камолоти йўлидаги
ишларингизда муваффақият
ёр бўлсин!



Навоий вилояти Мустақилликнинг 19 йиллигига

Ҳаётнинг асл маъноси орзу-ниятлар сари интилишнинг гўзаллиги ва қудратида бўлса керак, менимча. Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ яшашга эришиш, аввало, ана шу мақсадлар соғлиғига боғлиқ.

Ҳар ишда ҳамдамлик билан

Ҳозирги кунда республикамизда 6 ярим миллионга яқин фуқаро касаба уюшма аъзоси бўлиб, бу ҳазилакам куч эмас. Касаба уюшмалари жамиятимизнинг ажралмас қисми сифатида мамлакатимизда юз бераётган тарихий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этмоқда. Жумладан, ҳукуматимизнинг жаҳон иқтисодий инқирози оқибатлари олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича дастури бажарилишига кумаклашиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, бу борада ижобий натижаларга эришилди.

Давр билан ҳамнафасликка эришиш учун ҳали кўп нарсаларни ҳамжихатликда, ёнма-ён туриб удалашимизга тўғри келади. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ислохотлар самарасини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, ҳаётнинг ўзи талаб қилаёт-


ган устувор йўналишларда муносиб ҳиссамиз бўлиши лозим. Аъзолар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш барчамиздан кенг қамровли излашни олиб боришни тақозо этади. Бунинг учун 202 мингдан зиёд ишчи-ҳодимни ҳимоялашда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаоллигини ошириш даркор.

Бугунги кунда вилоятимизда, бу соҳада Республика миқёсида 4 та, вилоят миқёсида 10 та, туманлар миқёсида 25 та жамоа келишувлари тузилган 3087 та юридик шахс бўлиб, уларда ишловчи ва ўқувчилар сони 141647 нафарни ташкил этади. 980 та бошланғич касаба уюшма ташкилотининг 951 тасида жамоа шартномаси ҳаётга татбиқ этилган.



Довонга кўтарилишнинг ўзига яраша қоидалари бор. Мақсадга яқинлашган сайин, машаққат ортиб боради. Демак, изланиш ва ташаббускорлик кўрсатиб ишлашга зўр бериш керак. Бу, албатта, ўз самараси беради.

Назира ТОҒАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси, Навоий вилоят
касаба уюшма
ташкилотлари
бирлашмаси раиси



ҚИСКА САТРАЛДАР

Навоий вилояти жўғрофий жиҳатдан мамлакатимиздаги энг катта ҳудуд бўлиб, майдони 110,8 минг кв.км.га тенг. Аҳолиси 850 мингдан ортди.

Мустақилликнинг 19-йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг саясий-ҳаракати билан Ҳатирчи туманида 80 ўринли «Олтинсой» санаторийси қуриб, ишга туширилди.

Ҳисобот даврида вилоятда 9654 нафар ишчи-ҳодим тури санаторий ва сикаттоҳларда соғлигини тиклади. 1084 нафар меҳнат фахрийси, ногиронлар имтиёзли равишда соғломлаштирилди.

Ўтган йилларда вилоят ўқувчи ёшлари спортнинг 14 тури бўйича республика биринчилигида иштирок этишди. Уларнинг 46 нафари биринчи, 16 нафари иккинчи ва 33 нафари учинчи ўрин совриндори бўлди.

Шафоатинг қуёшдир, Ватан!

Истиқлол туфайли яратилган шароитда врачлик касбини эгаллаб, она юртим Навбахор туманида соҳам бўйича ишлаб бошладим. Кўпгина ҳудудий ва вилоят миқёсидаги тадбир ва танловларда қатнашдим. Жумладан, «Йил аёли — 2009» республика танловида совринли ўринлардан бирини қўлга киритдим. Бир гуруҳ таниқли шифокорлар билан АҚШнинг Чикаго шаҳрида 20 кун малака ошириб қайтдим. Бу кейинги фаолиятимизда қўл келиши, шубҳасиз. Саёҳат қанчалик ранг-баранг бўлмасин, океан оша она тупроғимиз соғинчи бизни бир лаҳза бўлса-да, тинч қўйгани йўқ.

Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилоят вакиллиги конференциясида делегат сифатида иштирок этдим. Анжуманда кўпчиликланинг ишончи билан тармоқ вакили сифатида иш бошладим. Бу юксак ишончни меҳнатим билан оқлашга ҳаракат қилмоқдаман.

Вилоятдаги барча даволаш-профилактика муассасалари таъмирланган бўлиб, лозим бўлган тиббий жиҳоз, асбоб-анжомлар билан таъминланган. Эл соғлиғи йўлида қайгурадиган фидойиларнинг ўзи ҳам соғлом бўлиши жуда муҳим. Шундан келиб чиққан ҳолда, фаолиятимизни фидойи касбдошлар ва уларнинг оила аъзолари манфаатини ҳимоя қилишдан бошляпмиз.

Феруза РАҲИМОВА,
Тармоқ ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Навоий вилоятидаги вакили

Касаба уюшмаси ҳимоя қилди



Навоий шаҳридаги «Саховат» МЧЖ бозорида директор ўринбосари бўлиб ишлардим. Ҳодимлар сони қис-

қартирилиши туфайли баъзи меҳнат шартномалари бекор қилинди. Улар қаторида мен ҳам бор эдим.

Олдиндан оғохлантирилмаганим, шунингдек, қисқартириш ҳақида бошланғич касаба уюшма ташкилоти бирон-бир йиғилиш ўтказмагани боис ҳайратим ошди. Жамоамизда меҳнат қонунчилиги нормаларининг бузилаётгани, қоплаверса, ҳақ-ҳуқуқларимиз топталаётгани учун вилоят ка-

саба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилдим. Бирлашма ҳуқуқшуноси Алишер Раҳматов иш бевуричи томонидан Меҳнат кодексининг 102-моддаси тартиби ва оғохлантиришнинг белгиланган муддатларига амал қилинмаганлигини айтди.

Касаба уюшма аралашуви билан ишга тикландим. Истаган пайтимида бизга қалқон бўла оладиган ташкилот борлигидан мамнунман.

Аҳтам ИСМОИЛОВ,
Навоий шаҳри

Асли темирчилар сулоласиданмиз. Амаким Сафар уста бу касбнинг сирларини бизга, фарзандларимизга сингдирган.

Истиқлол сийлаган сулола

Отам Барот Комилов ҳам қарийб 50 йил техника жилавини бошқарган. Шунданми, мен, укаларим техникага катта меҳр ва иштиёқ бериб улғайдик. 1992 йилнинг баҳорини менга «Алтай-130» русумли янги тракторни ишониб топширишди. Укаларим ҳам бирин-кетин ўз техникасига эга бўла бошлашди. Орадан 5-6 йил ўтгач, Тошкентга бориб, янги «МХ-135-Максим» тракторини қишлоққа ҳайдаб келдим.

Ушанча раҳматли отам тракторга синчиклаб нигоҳ ташлаб, ҳайдовчи ўриндиғига ўтириб кўрмоқчилигини айтди. Ўрнашиб олгач, техникани ўт олдириб, имкониятларини бирма-бир

тушунириб бердик. Қулайликларни кўриб, роса ҳайратга тушгани, кечагидек эсимда.

Отамиз ўта хокисор, эл хизматиға камарбаста фидойи киши эди. Қишлоқдошлардан бирор ким уй кўтартирса ёки томорқа ҳайдатса, биздан ёрдам сўрарди. Отам «Бировга нафнинг тегсин, кўпни ёдинда тутсанг, касбингдан барака топасан» дея насихат қилардилар. Касбимни улуглаб асло кам бўлганим йўқ. Бир ўғлим Азизбекнинг тутуми болалигимни эслатади. Бўш қолди дегунча, техникасини юлқаб-артиб ўтиради. Худого шўқри, оддий бўлса ҳам, шу касбдан бахт топаёмиз.

Туроб КОМИЛОВ,
Қизилтепа тумани

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси,
кимё саноати ва геология ходимлари
касаба уюшмаси Марказий кенгашининг
Тошкент вилояти вакиллиги

Мамлакатимиз халқини юрт

тинчлиги ва

барқарорлигининг, инсон

манфаатлари,

эркинлиги ва фаровонлигининг

гарови бўлган

Мустақилликнинг 19 йиллиги билан
муборакбод этади.

Улуғ байрам кунларида ҳаммага

эзгу-тилакларимизни изҳор этиб,

бунёдкор халқимизга

сиҳат-саломатлик,

бахт ва омад, хонадонларига файзу

барака тилаймиз!

Юртимиз тинч,

осмонимиз мусаффо бўлсин!



Зенит

Самарқанд вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши



Истиклолнинг 19 йиллик байрами муносабати билан юртдошларимизни самимий муборакбод этади. Бошланажак янги ўқув йилида барча ўқитувчи ва ўқувчиларга улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!

Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Юртдошларимиз ва соҳа ходимларини Истиклолнинг 19 йиллиги билан чин дилдан қутлайди. Саховатпеша халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдек шарафли ишларида касаба уюшма ташкилотларига улкан зафарлар тилайди!

«Бўстон санаторийси»

**масъулияти чекланган
жамияти маъмурияти
ва касаба
уюшма қўмитаси**

Соҳа ходимларини Мустақиллик айёми билан чин қалбдан қутлайди ва мазкур сиҳаттоҳда дам олиб, даволанишга таклиф этади.

Санаторий Тошкент шаҳридан 30 километр масофада, Зах канали бўйида, денгиз сатҳидан 450 метр баландликда жойлашган. Худудда барпо этилган мевали дарахтлар, гуллар ва тоқлари шигил мевага кирган улкан боғ киши эътиборини ўзига тортади.

350 ўринли санаторий юрак-томир, гинекология ва урология касалликлари билан оғриган беморлар учун даволаш диагностика базасига эга. Бу ерда электр-нур-балчиқ билан даволаш, магниттерапия, лазертерапия, даволаш бадантарбияси, уқалаш (массаж) муваффақиятли қўлланилмоқда.

Тажрибали стоматологлар сизни тиш билан боғлиқ муаммолардан халос этади.

Беморлар санаторийнинг замонавий диагностика жиҳозларида текширувдан ўтишади.

Сиҳаттоҳ маъмурияти дам олувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишга ҳам алоҳида эътибор қилмоқда. Хусусан, ёзги ва қишки клуб, катта китоб фондига эга бўлган кутубхона, ёзги бассейн, муסיқий салон, чойхона ишлаб турибди. Тошкент, Чирчиқ шаҳарларига ва шунингдек, Чорвоқ ва Чимёнга мунтазам равишда саёҳатлар ташкил қилинади. Шифо масканимизга хуш келибсиз!

Манзилимиз: Тошкент вилояти Қибрай тумани Спорт кўчаси «Бўстон» санаторийси.

Тел.: 8(37071) 5-43-11, 5-49-97, 5-49-90.

**Ўзбекистон авиаходимлари
касаба уюшмаси
Марказий кенгаши**

*Жаннатмакон юртимиз аҳлини
Истиқлолнинг 19 йиллиги байрами
билан самимий муборакбод этади.
Жондан азиз Ватанимизни яшна-
тиш ва юксалтириш йўлида Сиз
азизларга муваффақият ва зафар
ҳамиша ёр бўлсин!*



**Ўзбекистон соғлиқни
сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси
Марказий кенгашининг
Сирдарё вилояти вакиллиги**

*Соҳа ходимлари ва барча
ватандошларимизни
хурриятнинг ўн тўққизинчи
йили билан самимий
муборакбод этади.*

*Кун сайин гўзаллашиб
бораётган жонажон
Ватанимиз бундан-да
гуркираб яшнасин!*

**ЎЗБЕКИСТОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА
КОМПЛЕКСИ, КИМЁ САНОАТИ ВА ГЕОЛОГИЯ
ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ
КЕНГАШИНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ВАКИЛЛИГИ**

*Ватандошларимизни она диёримиз Мустақиллигининг
19 йиллиги билан чин кўнгилдан табриклайди.
Ўзбекона қадр-қиммат, оқибат ва бағрикенглигимиз
асло завола кўрмасин.*

*Осойишта замонда ҳур-озод, бекаму кўст яшаш
барчамизга насиб этаверсин!*

Сўлим масканларда

Наманган боғида келинг!

Тумандан келган меҳмонлар кечга яқин истироҳат боғини айланиш истагини билдиришди.
— Кўрганлар айтиб боришди, роса ўзгариб кетганмиш ...

Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари рост. Хар куни икки-уч бор истироҳат боғини оралаб ўтиб, эътибор бермаган эканман. Аллақачон сайргоҳга айланиб улгурибди. Бу гўзал гўшага астойдил разм солиб, олдинги йиллардагидан бутунлай ўзгариб кетганлигига ишонч ҳосил қилдим.

— Юртбошимиз бу йил вилоятимиз, хусусан, Наманган шаҳри ободончилиги учун алоҳида гамхўрлик кўрсатди, — дейди суҳбатда боғ раҳбари Муҳитдин Турсунов. 1984 йили ташкил этилган боғни меҳнаткашларнинг ҳақиқий оромгоҳи, истироҳат масканига айлантириш йўлида кенг қўламда қурилиш, таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 375 та ўриндик ўрнатилди. Марказий фаввора янгиланиб, қуриган дарахтлар ўрнига 200 туп каштан, 300 туп эман каби манзарали дарахт ниҳоллари ўтказилди. Гулзорлар кенгайтирилиб, йўлаклар нақшинкор плиталар билан қопланди. Бундан бир неча йил илгари боғ ҳудудининг икки жойидан чиқарилган ва яқин атрофни салқинлаштиришга

мўлжалланган ариқлар таъмирланди.

Шерзод Дадабоев, Баходир Қодиров каби тадбиркорлар катта маблағ сарфлаб, кичиктойлар учун турли аттракционларни ишга туширишди. Сайр қилувчиларга ҳам зарур шарт-шароит яратилди. Боғ ҳудудида «Шаршара», «Оқ қуш», «Беш чинор», «Нилуфар» каби чой-хоналар фаолият кўрсатади. Нуронийлар учун «Муҳиддин» чойхонаси хизматга шай.

Хозирда Наманган истироҳат боғи кечаю кундуз гавжум. 400га яқин чироқлар оқшомни кундўзга айлантирмоқда. 600 ўринли «Шодлик» киноконцерт залида эса миллий ва хорижий филмлар намойиш этилмоқда.

Обиджон
ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» муҳбири



Баркамоллик йўлида

Гимнастикачиларимизнинг халқаро ареналардан салмоқли ютуқлар билан қайтаётганлиги барчамизни қувонтирмоқда.

Бадий гимнастикада жисмоний тарбия, спорт, мусиқа ва санъат каби фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этадиган воситалар мужассам. Бугунги кунда юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 600 дан зиёд спорт залида 10 минг нафардан ортиқ киз малакали мураббийлар раҳбарлигида бадий гимнастика билан шуғулланмоқда.

— «Баркамол авлод йили» бизнинг зиммамызга ҳам улкан масъулият юклатди, албатта, — дейди Гимнастика федерацияси Тошкент вилояти бўлими раиси Нафиса Турғунова. — Ишларимизни янада ривожлантириш мақсадида март ойда мавжуд 34 та бадий гимнастика секциясининг шарт-шароити, моддий-техника базаси ҳолати ўрганиб чиқилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда секциялар фаолиятини яхшилаш юзаси-

дан вилоят ҳокимлигига таклифлар киритилди.

Қувончи томони шундаки, Бекобод «Ёшлик» спорт мажмуаси, Қибрай тумани 4-, Бекобод тумани 6-, Қуйчириқ тумани 4-, Тошкент тумани 17-умумтаълим мактаблари, Бўстонлик тумани маданият уйи, Уртачирчиқ БУСМ ва бошқа жойларда йил бошидан буён 14 та янги бадий гимнастика секциялари фаолият бошлади.

Таклифларимиз ҳам ижобат бўлиб, вилоят ҳокимлиги томонидан Гимнастика федерациясига терма жамоа аъзоларини спорт кийимлари, гимнастика купалниклари ҳамда спорт инвентарлари билан таъминлаш учун 3 млн. 960 минг сўм маблағ ажратилди ва 30 та гимнастика гилами барча ҳудудларга тарқатилди.

Апрел ойда Чирчиқ, Олмалик, Янгийўл

Гимнастика

шаҳрида, Бўка, Зангиота туманлари бадий гимнастика мураббийлари учун ҳудудий «Мастер-класс» ўқув-амалий машғулоти ўтказилди. 38 нафар мураббий иштирок этган малака ошириш курси янги погоналарни забт этиш учун ўзига хос омил бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мавжуд секцияларда олиб борилаётган ишлар ўзини оқлатяпти. Масалан, Бекобод шаҳрида 1 мартда гимнастикачилар сони 105 нафар бўлса, 1 июлга келиб 515 нафарга етди.

Вилоят Гимнастика федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, вилоят касба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши билан ҳамкорликда 10 та болалар соғломлаштириш оромгоҳида вилоят чемпионлари, республика совриндорлари иштирокида кўргазмали чиқиш ва маҳорат сабоқлари ўтказилгани ҳам айни мuddао бўлди. Мазкур кўргазмали чиқиш ва маҳорат сабоқларига 1500 нафардан ортиқ киз жалб этилди.

14-17 июл кунлари Германиянинг Бёргштат шаҳрида ташкил этилган гимнастрада бўйича турнирда вилоят терма жамоамиз ҳам қатнашди. Унда вакилларимиз 24 та Европа жамоалари ўртасида 5-уринни олиб қайтишгани саъй-ҳаракатларимиз бесапар кетмаганлигини тасдиқлади.

Мустақиллик байрамига бағишлаб вилоят гимнастрада фестивалини ўтказиш режалаштирилган бўлиб, қолаверса, туман ва шаҳарларда спорт декадалари бўлиб ўтади. Унда бадий гимнастика бўйича мусобақалар ўтказилиши ҳам мўлжалланмоқда.

Жорий йилнинг октябрь-ноябр ойларида бадий гимнастика, спорт акробатикаси ва спорт гимнастикаси бўйича республика мусобақалари ўтказилиши кўзда тутилган бўлиб, унда вилоят терма жамоасининг муваффақиятли иштирокини таъминлаш мақсадида амалий машғулоти йўналирига зўр берилмоқда.

Юқоридagi тадбирлар декабр ойида ўтказиладиган бадий гимнастика бўйича вилоят ҳокими соврини учун «Вилоят юлдузчаси» спорт мусобақасига катта тайёргарлик вазифини ўтаб беради.

Нарзулла МАХАМОВ



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib),

Ma'mura ADILOVA,

Mirzohid SODIQOV,

Normamat AIYAYOROV,

Nosirxon AKBAROV,

Oysulov NAFASOVA,

Pirimqul QODIROV,

Sog'indiq NIYETULLAYEV,

Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-87-73

Manziliimiz:

100165, Toshkent shahri,

«Buxoro» ko'chasini, 24-uy

E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A. Toshev

A. Abdullaev

Musahhah:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi: H. Abdullajilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasini, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri bahriyot nuqtai nazaridan farg'alanishi mumkin.

(H) - Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00

Topshirildi - 22.10

Byuromta G — 751

11531 nuxxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 1 5

Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги билан барча юртдошлар ва соҳа ходимларини қутлайди.

Дилингни Ватанга чексиз муҳаббат, ифтихор ва масъулият ҳисси сира тарк этмасин.



Самарқандга саёҳат

Қўмитамиз фаолиятида Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини янада мустаҳкамлаш, ёшлар қалби ва онгига юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат, ажодларга муносиб ворислик туйғусини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Жамоамизда меҳнат қилаётганларнинг 70 фоизи ёшлар бўлиб, бу ҳам фахр, ҳам масъулият уйғотади. Касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги олдидан 50 нафар фаол ёшлар учун қадимий шаҳар

Таассурот

Биз дунё тамаддунига ўзининг бой тафаккури ва маънавияти билан улкан ҳисса қўшган, инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк ажодларимиз билан ҳақиқий равишда фахрланамиз. Уларнинг маънавий-маданий, илмий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва бойитиш келгуси авлод олдидаги бурчимиздир.

Самарқандга икки кунлик саёҳат ташкиллаштирилди. Сафарни муҳаддис Ал Ҳаким ат-Термизий мақбарасини зиёрат этишдан бошладик. Самарқанд шаҳрига киргунча Эса Челақ туманида жойлашган Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилдик. Аждодларимиз ҳаётдан ҳикоя қилувчи қадимий экспонатлар ёшларда катта таассурот қолдирди. **З.НАЖМИДДИНОВ, «Термиз» аэропорти касабаси уюшма қўмитаси раиси**

«Марғилон оқшомлари»

Касаба уюшмаси шаҳар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида «Марғилон оқшомлари» деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, она ва бола саломатлиги муҳофазаси, соғлом авлодни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича фикр билдирилди. Шунингдек, «Мен соғлом турмуш тарзини танлайман» шиори остида гиёҳвандлик ва ОИТСга қарши кураш мавзусида танловлар ўтказилиб, ушбу масала юзасидан ёшларнинг чиқишлари тингланди. Шаҳар маданият уйи хушовоз хонан-

даларининг серзавқ кўшиқлари, куй ва дилрабо рақслари тадбирга юксак кўтаринкилик бахш этди. Ана шундай кўнглинчор тадбирлар, Маъмуржон Узоқов номли маданият ва истироҳат боғи амфи-театрида, «Ёшлар хибонида», Янги Марғилон шаҳарчасидаги томошагоҳда, «Маориф» маҳалласи дам олиш масканида, Марғилон темирйўл шохбекати қаршисидаги очик майдонда ҳам ўтказилди. **Муҳаммадjon МАХМУДОВ**

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон ёқили-энергетика комплекси, кимё санаети ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакилчилиги жамоаси «Амфифос-Максам» ОАЖ корхона бошқаруви раиси Баходир Содиқовга волидаи муҳтарамаси	Агросаноат мажмуи ходимлари Тошкент вилоят кенгаши жамоаси АСМ ходимлари касабаси уюшмаси Бўстонлик туман кенгаши раиси Саидали Саидқаримовга умр йўлдоши
РОБИЯ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.	Комила САИДҚАРИМОВА нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.
Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқнинг Сурхондарё вилоят кенгаши жамоалари АСМ ходимлари касабаси уюшмаси Музабод туман кенгаши раиси Ашур Эралиевга қизи	Қурилиш ва қурилиш ашёлари санаети ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқнинг Фарғона вилояти вакилчилиги жамоалари Фарғона транспорт касб-ҳunar коллежи директори Бахтияр Саидқамедовга падари бузруквор
ЗУМРА нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.	НУРМАТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий 1-тор кўчаси, 3-уйда жойлашган, 2008 йил 23 майда 673-рақам билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтган «ZEROMAX GmbH» компанияси корхоналари ходимлари касабаси уюшмаси (ИНН 206963123) конференция қарори билан ўз фаолиятини ихтиёрий тугатаётганини маълум қилади. Давро аризалари матн чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги К.Алимов номли 299-ўрта мактаб томонидан 1994 йили 9-синфни тамомлаган Саидалиева Нарғиза Махаммаджановна номига берилган №520017 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.